

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА №21

Қарши шаҳри

№74/035 ош 26.01.2022

“15” январь 2022 йил.

СЭО ва ЖСХ Қашқадарё вилоят Бошқармаси, кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи бошлиқ Т.С.Пакиров бир томондан “SHURTAN GAZ KIMYO MAJMUASI” МЧЖ кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан, Бош директор ўринбосари Ф.Қуватов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуннинг 29 моддасига асосан Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, “SHURTAN GAZ KIMYO MAJMUASI” МЧЖнинг 2022 йил 07 январдаги №035/123-сонли ёзма сўровига “Шўртан ГКМ” МЧЖда Ўзб-н Реснинг 31.08.2000 йилдаги “Радиациявий хавфсизлик” тўғрисидаги қонун ижросини таъминлаш мақсидида 1. Ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан ишлаш ҳуқуқини берадиган паспорт расмийлаштириш; 2. Мажмуада ишлатиладиган ионлаш-тирувчи нурланиш манбаларини, сақланиши, ташилишига хулоса бериш; 3. Тупроқ ва атроф муҳитда радиацион нурланишни лаборатория текширувчидан ўтказиш ва санитария гигиеник хулоса бериш; 4. СанҚваМ 0252-08 талаби бўйича “Радиоизотоп асбобларни ишлатишда қурилмага қўйиладиган талаблар”нинг 6.4.2 банди бўйича 8(саккиз) “ионлаштирувчи нурланиш манбалари” Cs-137 Seziy элементи бцлган идиш сиртидан 1 (бир) метр оралиқ масофадан нурланиш эквалент дозасини ўлчаш ва санитария гигиеник экспертиза хулоса бериш. Кейинги ўринларда - “Хизматлар” деб юритилади) хизмат кўрсатиш, “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.2. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

### 2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.2. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, шартнома имзоланган пайдан бошлаб ҳақ тўлаш.

### 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

### 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси муҳрланиб, имзолангандан сўнг “Хизматлар”ни кўрсатиш;

2.4.2. Агар “Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин тузатиб бериш.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 17 161 192 (Ўн етти миллион бир юз олтмиш бир минг бир юз тўқсон икки) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган “Хизматлар”нинг баҳоси мазкур шартномага асосан бажарилган ишга қараб счет-фактураларда кўрсатилади.

3.2. “Буюртмачи” кўрсатиладиган “Хизматлар” туркуми суммасининг 100%ни олдиндан ҳақ тўлайди.

3.3. Хизматлар кўрсатиш муддати 2022 йил 31 декабрга.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.4. “Буюртмачи” муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.7. Шартномада назарда тутилган “Хизматлар” кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи”нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

4.8. “Буюртмачи” илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд “Хизматлар”нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Бажарувчи”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

ЮРИДИЧЕС.ОТД.  
ООО “ШГХК”

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.2. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Шартнома томонлар томонидан имзоланиб, муҳрлангандан сўнг қонуний кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР

8.1. Табiiй офат туфайли томонлар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажара олмасалар, қонун олдида жавобгар бўлмайдилар.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «БАЖАРУВЧИ»

СЭО ва ЖСХ Қашқадарё вилоят Бошқармаси

Манзил: Қарши шаҳар А.Темур кўчаси – 74 уй -

Тел./факс : (75) 225-06-08; (75) 225-07-23;

Казначейство Министерства Финансов, ЦБ, г.Ташкент

Р/с:23402000300100001010,

МФО:00014, ИНН:201122919

Лицевой счет: 4014 2186 0104 0170 7411 0054 001

ИНН:200671996



Бошқарув:

Т.С.Накиров.

### «БУЮРТМАЧИ»

“SHURTAN GAZ KIMYO MAJMUASI” МЧЖ

Манзил: Ғалим бини тўз орт шуртан

Тел/факс: 75 5524102

х/р: 20210000104039001001

Банк: Қарши. ш. тўз ширкати банк

МФО: 00150 ИНН: 203195074

Бош директор  
ўринбосари

Ф.Куватов



ЮРИДИЧЕС.ОТД.  
ООО "ШГХК"